

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.02.02. РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

АБДИВОҲИДОВ СУНАТИЛЛО АБДИНАБИЕВИЧ

**ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИНИНГ ИЖТИМОИЙ – СИЁСИЙ
ЖИҲАТЛАРИ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН**

09.00.03 - Фалсафа тарихи

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philosophical sciences**

Абдивоҳидов Сунатилло Абдинабиевич

Жадидчилик ҳаракатининг ижтимоий-сиёсий жиҳатлари ва
ҳозирги замон..... 3

Абдивоҳидов Сунатилло Абдинабиевич

Социально-политические аспекты движения джадидов и
современность..... 21

Abdivokhidov Sunatillo Abdinabievich

Social and political aspects of Jadid movement and the modernity 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 44

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.02.02. РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

АБДИВОҲИДОВ СУНАТИЛЛО АБДИНАБИЕВИЧ

**ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИНИНГ ИЖТИМОИЙ – СИЁСИЙ
ЖИҲАТЛАРИ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН**

09.00.03 - Фалсафа тарихи

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Fal196 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Каримов Сайимназар Каримович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Наврузова Гулчехра Неъматовна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Бозоров Мустафо Жабборович
фалсафа фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Навоий давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.F.02.02. рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (0366) 239-13-87; 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40 e-mail: rector@samdu.uz Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-кават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№___-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (0366) 239-13-87; 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ кунда тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

С.К.Каримов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор

Х.А.Джуракулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, фалсафа доктори (PhD), фалсафа ф.б.

С.А.Чориев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда содир бўлаётган глобаллашув жараёнида ёшлар маънавий-ахлоқий қиёфасига таъсир кўрсатаётган деструктив омилларни бартараф этишда ўзликни англаш, маънавий-маърифий қадриятларни ўзида акс эттирган маънавий меросни тадқиқ этиш ва халққа етказиш долзарб аҳамиятга эгадир. Маънавий ҳаётдаги туб ўзгаришлар, замонга мос равишда соғлом фикрлайдиган, бугунги кун талабларига тўла жавоб берадиган инсон капиталига эътиборни кучайтириш долзарб вазифа ҳисобланади. Маърифатпарварларнинг илгари сурган концептуал ғоялари бугунги кунда ижтимоий-маънавий тараққиётга тўсқинлик қилаётган муаммоларнинг ечими сифатида инсон шаъни ва ориятини ҳимоя қилувчи инсонпарварлик, ҳурфикрлилик, диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ғоялари ёш авлодга таълим-тарбия бериш, уларни маърифатга етаклашда асосий назарий манбадир.

Дунё илм-фанида буюк мутафаккирларнинг умумжаҳон тараққиётига хизмат қилувчи назарий-фундаментал, амалий-методологик аҳамиятга эга маънавий меросини ўрганиш бўйича замонавий илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Айниқса, бунда жамиятни маънавий тараққий эттириш, таълим тизимини ислоҳ қилишда ўз даврининг илғор тараққийпарвар ғояларини илгари сурган алломаларнинг конструктив қарашларини тадқиқ этиш бўйича олиб борилаётган илмий изланишлар муҳим аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан олганда маърифатпарварларнинг концептуал аҳамиятга эга халқни маърифатли қилиш, сиёсий ташаббускорлик ва ҳаракатчанлик, ҳурфикрлилик, диний бағрикенглик, муросасозлик, тадбиркорлик каби ғояларини ижтимоий-фалсафий аҳамиятини тадқиқ этиш бугунги кунда объектив заруриятдир.

Мамлакатимизда маърифат фидойилари, шоир ва алломаларнинг илмий-маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб қилиш орқали ёшларни баркамол инсон сифатида камолга етказиш, шунингдек, барқарор ижтимоий-маънавий муҳитни таъминлашнинг муҳим шартларидан биридир. Шунинг учун ҳам “Буюк аллома ва адибларимиз, азиз-авлиёларимизнинг бебаҳо мероси, енгилмас саркарда ва арбобларимизнинг жасоратини ёшлар онгига сингдириш, уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз керак”¹. Шу жиҳатдан олганда жаҳидларнинг жамият ислоҳоти ҳақидаги концептуал ғоялари ҳозирги ўзгаришлар амалиётининг маънавий даракчиси, бугунги кундаги стратегия ва кенг қамровли модернизациянинг генетик асоси эканлигини тадқиқ қилиш зарурият сифатида намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармоннинг 4-устувор йўналишидаги 4.4 бандини

¹ Халқ сўзи. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2018 йил 29 декабр, №271-272 (7229-7230). -Б.3.

амалга оширишга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда назарий-методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жади́дчи́лик ҳаракатидаги ижтимоий-сиёсий ва фалсафий қарашлар бугунги кунда ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялашда алоҳида ўринга эга. Жади́дларнинг фаолиятига бўлган қизиқиш хориж олимларини бефарқ қолдирмади. Хусусан, америкаликлар Адиб Холид¹, Э.Олворт, франциялик А.Беннингсон, германиялик И.Балдауф², орлеанлик профессор Э.Лаззери, япониялик Х.Комацу каби шарқшунос, тарихчи олимларнинг жади́дшуносликка оид тадқиқотларида у ёки бу тарзда баён этилган.

МДХ давлатларида А.Маниёзов, Г.Ашуров, М.Шукуров, О.Сайфуллаев, Р.Ҳодизода, А.Мираҳмедов, И.Нуриллин каби тадқиқотчи ва олимлар жади́дларни адабий-тарихий фаолиятини тадқиқ қилган. Бирок, тадқиқотларда жади́длар ва жади́дчилик ҳаракати шаклланишининг объектив ва субъектив шарт-шароитлари, бу ҳаракатнинг ғоявий, ижтимоий-фалсафий асоси, давлатчилик ва бошқаришга оид илмий мероси, уларнинг фаровон турмуш, оила, никоҳ, ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш, ижтимоий борлиқни такомиллаштиришга оид қарашлари деярли ўрганилмаган.

Ўзбекистонлик тарихчи олимлардан Д.Алимова³, Д.Рашидова, Д.Зияева, Р.Шарипов, Р.Шамсуддинов, Қ.Ражабов, Ҳ.Содиқов, адабиётшунослардан А.Алиев, Б.Қосимов, Б.Назаров, Б.Дўстқораев, И.Султон, М.Худойқулов, Н.Каримов, О.Шарафиддинов, П.Равшанов, С.Қосимов, Ш.Ризаев, Э.Каримов, Ғ.Махмудов, Ҳ.Болтабоевлар томонидан тарихий ва адабий жиҳатдан тадқиқ этилган. Жади́дларнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари файласуф олимлардан А.Жалолов, А.Алиев, Ғ.Махмудова, Ж.Яхшиликов⁴, З.Ахророва, Н.Авазов, С.Аҳмедов, У.Долимов, Ш.Турдиев, Э.Юсупов, Ҳ.Саидов ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган. Мазкур тадқиқотларда

¹ Khalid Adeeb. The Politics of Muslim Cultural Reform: Jadidism in Central Asia. – Berkeley: University of California Press, 1998.

² Baldauf Ingeborg. Jadidism in Central Asia within Reformism and Modernism in the Muslim World // Die Welt des Islams, New Ser. Vol.41, Issue 1. (Mar., 2001).

³ Алимова Д.А. Историческое мировоззрение джадидов и их проекция будущего Туркестана // Туркистон мустақиллиги ва бирлиги учун кураш саҳифаларидан. Тошкент: Фан, 1996.

⁴ Яхшиликов Ж. Жади́дчи́лик ва Бехбудий. –Тошкент: “Фан”, 2004.

жадид мутафаккирлар маънавий меросининг ижтимоий-сиёсий ва фалсафий аҳамияти, Шарқ фалсафий фикрлар тараққиётидаги ўрни алоҳида ўрганилмаган.

Тадқиқотимизда жадидларнинг ижтимоий-сиёсий дунёқарабини шаклланиши ва ўзига хос хусусиятлари, давлат ва жамиятни бошқаришда ижтимоий бирдамлик, муросавийлик, ижтимоий адолат, никоҳ масалалари, оилани мустаҳкамлаш, шунингдек, ёшларни баркамол қилиб тарбиялашга оид илгари сурган ғоялари ижтимоий-фалсафий жиҳатдан тадқиқ этилган. Айниқса, туркий халқлар бирдамлиги ғоясининг раҳбарлари Боймирза Хайит, Заки Валидий Тўғон, Исмоил Гаспирали, Мустафо Чўқаевларнинг жадидчилар ҳаракатидаги фаолиятини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ф-1-61 рақамли “Ўзбекистоннинг туристик рекреацион салоҳиятини ривожлантиришда минтақавий геоахборот тизимини шакллантириш” мавзусидаги грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: жадидлар маънавий меросининг миллий ва умуминсоний моҳиятини ижтимоий-фалсафий жиҳатдан очиб бериш ҳамда бу ғояларнинг жаҳон фалсафий тафаккури ривожигаги ўрнини ёритишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жадидчилик ҳаракати ижтимоий ғоясининг, сиёсий ҳаракат сифатида дунёқарашининг шаклланишига таъсир қилган ижтимоий-сиёсий омилларини аниқлаш;

жадидларнинг асарлари ҳамда мақолаларини таҳлил қилиш асосида уларда баён этилган онтологик, гносеологик, рационалистик ва гуманистик антропоцентризм ғоясини очиб бериш ва шу орқали жадидлар меросининг фалсафий аҳамиятини ўрганиш;

жамият тараққиётида диний ва дунёвий илмларнинг ижтимоий роли ҳақидаги ғояларини уларнинг ислом дини ва тасаввуфга бўлган муносабати орқали тадқиқ этиш;

жадидларнинг мустақиллик ва унга эришишнинг объектив ва субъектив омиллари ҳақидаги ижтимоий-сиёсий ғоясини миллий давлатчилигимиз тарихи асосларини тадқиқ этишдаги ўрнини асослаш;

жадидларнинг комил инсон, тил, фаровон ҳаёт, дин ва унинг ижтимоий функцияси, оила ва никоҳ, ёшлар тарбияси каби ижтимоий-ахлоқий ғояларининг концептуал асосларини ёритиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти Туркистон жадидларининг фалсафий ва ижтимоий-сиёсий мероси.

Тадқиқотнинг предмети жадидларнинг фалсафий ва ижтимоий-сиёсий меросининг демократик жамиятни мустаҳкамлаш ҳамда баркамол инсонни тарбиялашдаги моҳиятини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда ретроспектив ва тизимли таҳлил, ворисийлик, анализ ва синтез, қиёсий ўрганиш, объективлик, тарихийлик ва мантикийлик бирлиги каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

оила муносабатларини тартибга солиш, миллий характерни шакллантириш ва миллат генофондини сақлашда жадиждларнинг жисм, рух ва ақл баркамоллиги сингари ўта муҳим ғоялари эпистемологик жиҳатдан асосланган;

жадиждларнинг исломни ақидапарастликдан ҳимоялаш асосида унинг софлигини сақлаш ва динга оқилона ёндашиш ҳақидаги гуманистик ғоялари миллий ўзликни англаш омили эканлиги далилланган;

жадиждлар моддий ва маънавий олам уйғунлигини таъминлашда калом фалсафаси тамойиллари (сунна, раъй, ижмо)га таянган ҳолда фаолият олиб боргани тарихий-фалсафий факт асосида очиб берилган;

жадидчилик ҳаракати намояндаларининг фалсафий таълимотидаги инсон тафаккури билан борлиқнинг диалектик алоқадорлиги ҳақидаги концепцияси жамият тарихий тараққиётининг субстанционал асосига мос эканлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

жадиждлар ғоясининг Шарқ ижтимоий тафаккури тарихида тутган асарларида илгари сурилган объективлик, тарихийлик, рационализм, мустақиллик, демократик давлат, сиёсий ҳаракатчанлик, сиёсий бошқарув, фаровон ҳаёт, миллий ғурур, ватанпарварлик, ижтимоий ҳамжиҳатлилик, ижтимоий бирдамлик каби омилларни ижтимоий-сиёсий институтлар фаолиятига жорий этиш мумкинлиги асослаб берилган;

жадидчилик ҳаракати намояндаларининг фалсафий ва ижтимоий-ахлоқий ғояларини тарғиб этиш бўйича Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Самарқанд вилоят кенгаши билан биргаликда доимий амал қиладиган “Аждодларимиз мероси – ёшларга” деб номланган оммавий-маърифий тадбирлар ташкил этишга доир таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган;

жадиждларнинг инсонпарварлик ғоясига асосланиб, замонавий оилалар ва оилавий муносабатлар маданиятини мустаҳкамлаш бўйича маънавий-маърифий ва ахлоқий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган монография ва у ҳақдаги тақриз, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, у фалсафий, ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий ғоялар, назарий умумлашмалар, тарихий-фалсафий ва маънавий билимларни чуқурлаштириш ҳамда такомиллаштириш учун хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса, ишлаб чиқилган илмий хулосалар ва назарий-амалий ғоялар асосида “Фалсафа тарихи”, “Этика”, “Педагогика”, “Диншунослик”, “Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси”, “Фуқаролик жамияти”, “Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар” каби фанлардан дарслик ҳамда ўқув қўлланмаларни тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жадидчилик ҳаракати намояндалари маънавий мероси ва унинг ёшлар тарбиясидаги ўрнини кўрсатишга оид тадқиқот асосида:

миллий характер шаклланиши ва такомиллашувига доир илмий асосланган таклиф ва тавсиялардан Республика маънавият ва маърифат марказининг 2018-2020 йилларга мўлжалланган амалий тадқиқотлар давлат грантлари лойиҳаси доирасида ПЗ-20170930396 рақамли “Глобаллашув шароитида жамият ҳаётини демократлаштириш жараёнидаги маънавий-ахлоқий кадриятлар ривожини тадқиқ қилиш” амалий лойиҳасини амалга оширишда фойдаланилган (Республика маънавият ва маърифат марказининг 2019 йил 9 июлдаги 02/15-924-19-сон маълумотномаси). Натижада, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтаришга хизмат қилган;

жадидларнинг исломни ақидапарастликдан ҳимоялаш асосида модернизациялаш ва динга оқилона ёндашиш ҳақидаги гуманистик ғоялари миллий ўзликни англаш омили эканлигига оид фикр-мулоҳазаларидан тадбирлар дастурининг биринчи, “Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш, бандлигига кўмаклашиш ва ижтимоий ҳимоялаш ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси йўналиши бўйича” номли бўлимидаги “Вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш улар ўртасида ижтимоий-маънавий муҳитни янада яхшилаш мақсадида ички ишлар органларида профилактик ҳисобда турган вояга етмаганларни ўрнатилган тартибда рўйхатдан чиқариш чораларини кўриш ” деб номланган 12-бандидаги ҳамда учинчи, “Маънавий-маърифий масалалар, спорт ва ёш оилалар билан ишлаш йўналиши бўйича” номли бўлимидаги “Бағрикенг Ўзбекистон” шиори остида миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик тамойилларини тарғиб этувчи ёшлар фестивалини ўтказишда” деб номланган 31-бандидаги вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2019 йил 8 июлдаги 04-13/3118-сон маълумотномаси). Натижада, Республикамиз ёшларининг тарбиясига оид бағрикенглик, маънавий огоҳлик, гуманизм ва соф исломий кадриятларга риоя этиш, билим олиш, маданий анъаналарни асраш, баркамол инсонни шакллантириш, ҳуқуқий онги ва маданиятини ривожлантиришга хизмат қилган;

жадидларнинг калом фалсафаси, тасаввуф, моддиюнчилик таълимотидаги моддий ва маънавий олам уйғунлиги хусусидаги конструктив ғояларининг фалсафий аҳамиятига оид фикр-мулоҳазалардан марказнинг “Миллий ғоя ва мафкуравий тадқиқотларни ташкил қилиш” бўлимида 2018-2020 йилларга мўлжалланган м ПЗ-20170930396 рақамли “Глобаллашув

шароитида жамият ҳаётини демократлаштириш жараёнидаги маънавий-ахлоқий кадриятлар ривожини тадқиқ қилиш” амалий лойиҳасини амалга оширишда фойдаланилган (Республика маънавият ва маърифат марказининг 2019 йил 9 июлдаги 02/15-924-19-сон маълумотномаси). Натижада, жадид маърифат-парварларининг шахси ва фаолияти ҳақидаги ҳақиқатни аниқлаш, унинг маънавий мероси ғоялари мезонида ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялашга хизмат қилган;

буюк аجدодларимизнинг маънавий меросини ўрганиш, оила, маҳалла ва таълим муассасаларида, чекка ҳудуд ва маҳаллаларда уюлмаган ёшлар билан мақсадли ғоявий-тарбиявий ишлар хусусан, ёшларнинг жиноятчилик, диний экстремизм ва террористик ҳаракатларга адашиб қўшилиб қолиш, миллий кадриятларга эътиборсизлик каби салбий ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган тарғибот ишларида кенг фойдаланилганлиги Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Самарқанд вилоят кенгашининг II бўлимида келтирилган партиянинг маънавий-маърифий соҳадаги фаолияти ва ЎЗМТДП Марказий Кенгашининг 2017 йил 5 августдаги X Пленуми қарори билан тасдиқланган чора-тадбирлар режасининг 1.3 бандида белгиланган вазифаларни Самарқанд вилоят кенгашида амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Самарқанд вилоят кенгашининг 2018 йил 6 сентябрдаги 185-сон маълумотномаси). Натижада, тарғибот тадбирларининг савиясини янада бойитишга, ёшларда миллий ўзликни англаш, ватанпарварлик ва меҳнатсеварлик туйғуларининг ривожланишида, огоҳлик, хушёрлик каби комил инсон мезонларини шакллантиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг асосий натижалари 3 та халқаро, 2 та хорижий ва 8 та республика илмий-назарий ва илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та монография ва Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола (жумладан, 5 та республика ва 1 та хорижий журналда) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми: Диссертация таркиби кириш, 3 та боб, 6 та параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 154 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, Республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишлари, диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси ҳамда унинг хорижий илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари ёритилган. Шунингдек, илмий янгиллиги,

амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончилиги ва илмий-амалий аҳамияти тавсифланган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Жадидчилик ҳаракати вужудга келишининг объектив ва субъектив шарт-шароитлари»** деб номланган бўлиб, у икки қисмдан иборат. Биринчи бобнинг “Жадидчилик ҳаракати шаклланишининг тарихий шарт-шароитлари” деб номланган биринчи параграфида Жадидчилик ҳаракатининг вужудга келиши ва жадид маърифатпарварларининг дунёқараши шаклланишига ва уларнинг илмий меросига таъсир этган ижтимоий-фалсафий ва тарихий-маданий омиллар тадқиқ этилган.

Ҳар қандай фалсафий тадқиқот муаммо доирасини ва илмий категорияларни, объектнинг ички ва ташқи функционал хусусиятларини тизимли белгиларини аниқлаб олишдан бошланади. Мазкур хусусиятлар ва белгиларни аниқлаб олмаслик эклектизмга, объект доирасини беҳад кенгайтириб кетишига олиб келади. Х.Г.Гадамер айтганидек, тадқиқотга оид тушунчаларни аниқлаш объектнинг “маънавий эволюциядаги ўрни қанчалик чуқур” эканини билишга ёрдам беради¹. Бизнинг тадқиқотимиз учун шундай тушунчалар, категориялар “жадид”, “жадидчилик”, “маърифат”, “маърифатчилик” ҳисобланади.

Жадидчилик маърифий, ижтимоий-сиёсий ҳаракат сифатида пайдо бўлишининг асосий сабаби бевосита Туркистоннинг ички муҳитининг феномени бўлиб, Россия империясининг XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ўрта Осиёни истило қилиши билан ва бунинг натижасида вужудга келган муҳим ижтимоий-сиёсий вазиятнинг маҳсули бўлди.

Жадидчилик ҳаракатининг вужудга келишининг объектив ва субъектив сабабларини ёритишимизда ўша даврнинг манбалари ҳисобланган ўзлари жадидчи ва жадидчиликка хайрхоҳ бўлган маърифатпарвар кишиларнинг жумладан, Аҳмад Донишнинг “Наводир ал-вақое” (“Нодир воқеалар”) ҳамда “Рисолаи тарихи амирон манғит” (“Манғит амирлари тарихи ҳақида рисола”) асарларида, тарихчи Мирза Муҳаммад Абдулазим Сомий Бўстонийнинг “Тарихи салотини манғитийа дор уссалтанаи Бухорои шариф” (“Бухоро шариф салтанатидаги манғит ҳукмдорлари тарихи”), тарихчи Мирзо Салимбек ибн Муҳаммад Раҳимнинг “Тарихий Салимий” асарларига таяниб, ва Абдурауф Фитратнинг икки асари “Мунозара” ва “Баёнати сайёҳи ҳинди” асарлари асос бўлиб хизмат қилди.

Чоризмнинг босқинчилик ҳаракати ўлкамизни мустамлакага айлантириш билан чегараланиб қолмай, маҳаллий аҳолининг маданияти ва маънавий асосларига путур етказишга ҳам қаратилганлиги унинг сиёсати давомида ўз аксини топиб борди.

Туркистон мустамлакачилари маҳаллий халқларни ўта қолоқликда ушлашни ўзларига шиор қилиб олган. Уларнинг кўрсатмаси билан халққа-иложи борица мумкин қадар кўпроқ пахта эктириш, уларни тинимсиз ишлашга мажбур этиш, токи бу халқнинг бошқа нарсаларни ўйлашга, сиёсий

¹ Гадамер Х.Г. Истика и метод. – Москва: Прогресс, 1998.-С. 50.

воқеаларни англаб етишга бир зум ҳам вақти, хоҳиши қолмаслигини доимо назарда тутиб келган.

Чор Россияси Туркистонни мустамлакага айлантириш ва руслаштириш жараёнида маҳаллий халқларга нисбатан камситувчилик сиёсатини олиб борган ҳамда ўзбек ва бошқа туб аҳолига сиёсий ва инсоний ҳуқуқларни беришни ҳаёлига ҳам келтирмаган.

Бу ғоя маъмурларнинг Ўрта Осиёдаги стратегик режаларини асосини ташкил қилган. Бундан мақсад ўлкада мавжуд бўлган ижтимоий ҳаёт қонунлари ва анъаналарини издан чиқариш, маҳаллий жамиятнинг диний-маънавий негизини барбод қилиш, миллий маданият ва таълимни обрўсизлантириш ва секин-аста бетарафлаштириш, пировард натижада “янги, рус Туркистони”ни барпо этишни назарда тутувчи мустамлакачилик анъаналарини зўравонлик билан сингдиришга қаратилганлигини кўрсатади. Натижада Туркистон заминида мустамлакачилик ва улуғ миллатчиликка асосланган сиёсий-маъмурий тизим ҳукм сурди.

Мустақилликнинг йўқотилиши, сиёсий ҳақсизлик ва адолатсизлик бутун жамият аҳлини рус давлатига қарши кучли муҳолифатга айлантирди. Халқнинг норозилиги ва халқ ичидан етишиб чиққан зиёлиларнинг мустабид тузумга нисбатан норозилиги ва нафрати ҳали XIX асрнинг 80-йилларига қадар ҳам шаклланиб ва кучайиб борганлигини кўрсатмоқда.

Ушбу бобнинг “Жадидчилик ҳаракати ғоялари ва унинг мазмун-моҳияти” деб номланган иккинчи параграфида Шарқ ижтимоий-фалсафий тафаккури тарихида Туркистонда катта ижтимоий-сиёсий куч ва етакчи мафкура сифатида жадидчилик ҳаракати ўз ўрнига эга эканлиги тадқиқ этилган. Бу ҳаракатнинг вужудга келишида хорижий мамлакатлардаги турли хил илғор ижтимоий-сиёсий, фалсафий, диний оқимларнинг маълум даражадаги таъсири бўлса-да, аммо бу илмий уйғониш ҳаракатининг юзага келишини таъминловчи асосий омил, замин ва шароит бу ўлканинг ўзида етилиб пишган эди.

Биз жадидчилик ҳаракатининг мазмун-моҳияти ҳақида гапиришдан олдин тарихимиз саҳифаларида “оқ доғлар” деб аталадиган бу ҳаракатнинг асл моҳиятини, мақсад-муддаоларини холисона ўрганиш ва баҳолаш ўз ечимини кутаётганлигини таъкидламоқчимиз. Чунки, ғоявий муҳолифлар яқин кунларгача жадидчиликни фақат маърифатчилик ҳаракати деб баҳолаб келдилар. Мақсад – жадидчиликнинг доирасини торайтириш, социалистик-коммунистик мафкурадан бошқаси кенг халқ онгини қамраб олиши, эгаллаши мумкин эмас, деган сохта тушунчанинг асорати эди.

Шунинг учун ҳам ғоявий муҳолифлар жадидчилик ҳаракатининг буржуа либерал, миллатчилик ҳаракати, майда буржуа идеологиясини ифодолавчи оқим сифатида қараб келинган эди.

Аслида эса жадидчилик:

1) жамиятнинг барча қатламларини жалб эта олди. Уйғониш мафкураси бўлиб хизмат қилди;

2) мустақиллик учун кураш олиб борди. Унинг ғайрат ва ташаббуси билан вужудга келган Туркистон мухторияти бу йўлдаги амалий ҳаракатнинг дастлабки натижаси эди;

3) маориф ва маданиятни, матбуотни ижтимоий-сиёсий мақсадларга мослаб чиқди.

Мана шундай ислохотларни амалга оширишга бел боғлаган жаҳидларнинг илғор қисми маҳаллий аҳолини жаҳоннинг тараққий этган давлатларида бўлаётган ўзгаришлар ва янгиланишлардан хабардор қилиб бориш лозимлигини яхши англаганлар.

Шу ўринда профессор Б.Қосимовнинг жаҳидчиликка берган таърифи ҳам эътиборлидир. “Жаҳидчилик, дейди Б.Қосимов, ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий, ҳам маданий ҳаракатдир. Шунинг учун ижтимоийки, у жамиятнинг барча қатламларини жалб эта олди, миллий уйғониш идеологияси бўлиб хизмат қилди. Шунинг учун сиёсийки, у мустақиллик учун кураш олиб борди... У маданий ҳаракат ҳам эди – адабиётни янгиледи, матбуот ва театрчиликни йўлга қўйди, маорифда эса “янги мактаб концепцияси” билан чинакам инқилоб ясади. Энг муҳими, буларнинг барчасини ижтимоий-сиёсий мақсадларга мослаб кўриб чиқди”¹.

Дарҳақиқат, миллий ўзлиқни англашнинг ўсишига муҳим туртки бўлган ва миллий озодлик ғоясини шакллантириб, ўз фаолияти билан уни амалга оширишга уринган кучли прогрессив ҳаракат – жаҳидчилик бўлган. У жаҳондаги умуминсоний ва миллий қадриятларга асосланиб, жамиятнинг пишиб етилган ривожланиш тараққиёти ва ўлка туб ерли аҳолисининг зарур манфаатларига жавоб берарди.

Қолоқлик ва жаҳолат, аҳолининг аянчли аҳволи, Туркистоннинг жаҳон цивилизациясидан орқада қолиб келиши, Ислом ва шариатнинг оёқ ости қилиниши ва бундай оғир фожиали ҳаётдан қутулиш, эрк ва озодликка эришиш ҳақида ўз замонасининг илғор зиёли, мунавварларидан фикр-мулоҳазалар пайдо бўлди. Хуллас, жаҳолат уйқусидан уйғониш тарихий заруриятга, ривожланишнинг объектив талаб ва эҳтиёжига айланди.

Миллий демократлар бўлган жаҳидчилик ҳаракатининг энг муҳим жиҳатларидан бири миллий озодлик кураши мафкураси ва тактикасини ўрганишга қаратилган эди. Улар Европа мамлакатларининг давлат қурилиши ва қонунчилиги, Россия ва Шарқ халқларининг мустамлакачиликка қарши кураши ва демократик ҳаракатлари мафкураси ҳамда тактикасининг тенг амалий жиҳатларини ўрганиб, ундан ўз мамлакатларига мосини, тўғри келадиганини танлаб олишди. Натижада, миллий зиёлиларнинг мафкуравий ва ижтимоий-сиёсий фаолияти кучайиши, жаҳидларни иккига ажралишига яъни соф маданий-маърифий ишлар тарафдорлари ва иккинчидан ижтимоий-сиёсий институтларни ислоҳ қилиш, мустамлакачилик ва феодализм кишанларидан озод бўлиш тарафдорларига бўлинишларига шароит яратди.

Жаҳидчилик давлат, тузум, бошқарувни ислоҳ этиш, ва миллатни ривожлантириш орқали, умуман, жамиятни янги ҳаёт босқичига олиб

¹ Қосимов Б. Жаҳидчилик ва жаҳид адабиёти (Давра суҳбати) // “Туркистон”, 1997. 17 май.

чиқишни мақсад қилиб қўйган ғоялар ва аниқ амалий тадбирларни ўзида мужассамлаштирган тизим эди.

Диссертациянинг «**Жадидчилик ҳаракатининг фалсафий – ғоявий асослари**» деб номланган иккинчи боби иккита параграфдан иборат. Мазкур бобнинг биринчи параграфи “Жадидлар ижтимоий-сиёсий қарашларининг фалсафий асослари” деб номланган. Унда жадидлар ижтимоий-сиёсий қарашларининг асосини ташкил қилган жадидчилик фалсафаси тадқиқ этилган.

Жадидчилик фалсафаси ҳақида ҳозирги кунга қадар мавжуд илмий адабиётларда маълумотлар тўлиқ эмас. Масала жадидчилик фалсафасини уларнинг маърифатчилиги билан йўғрилганлиги асосига қўйилганлиги билан изоҳланиб келинган.

Гарчанд улар ижодида бевосита онтология ёки гносеологиянинг умумназарий масалалари камроқ учраса-да, ўша давр ҳаёти ва миллат тақдири билан боғлиқ кўплаб фалсафий муаммолар жадидларнинг диққат марказида турган, бу борада қимматли фикрларни баён қилганлар¹.

Жадидчилар ислом олами файласуфлари қоидаларида мавжуд бўлган имкониятлардан фойдаланган ҳолда илмий-гуманистик, фалсафий назарияларни илгари сурдилар.

Ўзбекистон файласуфларининг устози, марҳум академик Иброҳим Мўминов Бехбудийнинг “Фан раҳбарларига, олимларга” мақоласини таҳлил қилиб унинг фалсафий қарашлари ҳақида тўхталиб шундай ёзади: Бехбудий моддиюнчилик ва даҳрийлик, иштирокиюнчиликка қарши муваффақиятли курашмоқ учун баъзан калом фалсафаси хулосалари ҳам ожизлик қилиб қолиши мумкинлигини англаб етган.

Файласуфларнинг фикрича гарчанд жадидизм, масалан француз маърифатпарварлигидан бир неча аср кейин юз берган ҳодиса бўлса-да, у ўз моҳияти билан инқилобга қадар бўлган Ўзбекистоннинг маданий ва маърифий ҳаётида, француз маърифатпарварлиги сингари, ижобий роль ўйнади².

Жадидларнинг фалсафий асарларида оламий ақл, инсонни Худо билан боғловчи ақл деган мистик мулоҳазалар мавжуд бўлса-да, жадидлар ақлнинг бир томондан, руҳий жараён эканлигини ва иккинчи томондан ақл ташқи таъсирнинг, таълим-тарбиянинг маҳсули эканлигини эътироф этади.

Жадидчилар Форобий фалсафасини давом эттириб идеалистик тарзда бўлса ҳам инсон ақли билан борлиқнинг диалектик бирлигини очиб беради. Жадидчиларда ҳам ақл ва борлиқнинг бирлиги илоҳий ақлда, деган ғоя уларнинг фалсафасига сингиб кетган. Демак, улар ўз давридаги ижтимоий-сиёсий ва мафкуравий вазиятдан келиб чиқиб, илмий рационалистик тафаккурни сақлаб қолишга, илмий тушунчаларни диний эътиқод билан мувофиқлаштиришга интиладилар. Шу нуқтаи назардан улар фалсафий

¹ Қаранг: Қ.Назаров. Фалсафа асослари. –Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2012.-Б.98.

² Қаранг: Турдиев Ш. Жадидизм масаласига бағишланган мунозара // “Ўзбек тили ва адабиёти”, 1998. 2-сон.-Б.74.

хулосалар ва Қуръон ўртасида ҳеч қандай зиддият бўлиши мумкин эмас, деб ҳисоблайдилар.

Мазкур бобнинг “Жадидларнинг ҳаракат дастурида миллий истиқлол ғояси масалалари” деб номланган иккинчи параграфида Жадидчилик ҳаракати маърифатчиликнинг тор доирасидан фаолият бошлаб, бу ҳаракат сиёсий ҳаракатга айланиб, ўз олдига жамият ва уни бошқаришни қайта қуришдек улкан вазифаларни қўйганлиги, улар аввал бошда ўзларининг ғоявий қарашларини ҳаракат дастурларини шакллантириб, ўзларининг сиёсий партияларини тузганлиги асос қилиб олинган. Жумладан, жадидчиликда Татаристонда “Мусулмон иттифоқи”, Туркистонда “Шўрои исломия” Бухорода “Ёш бухороликлар”, Хивада “Ёш хиваликлар” каби инқилобчилар партиялари юзага келди.

Жадидлар ҳаракат дастурининг ҳаракатчанлиги кучайиб боришининг ва сиёсий тус олганлигининг сабаблари иккита эди: биринчидан, 1914-1915 йилларда жадидчилик бошидан кечирган инқироз – газеталар ва янги усул мактабларининг беркитилиш ҳоллари, ҳокимият жадидларнинг билимсизлик ва ғафлатга қарши кураш ғоясини кенгайтиришига йўл бермаслиги, шунингдек, бусиз жамиятда ҳеч қандай ўзгаришларга эришиб бўлмаслигини кўрсатди. Иккинчидан, жадидчилик ҳаракатига хорижда ўқиб, чет элдаги миллий тараққийпарвар ҳаракатлар тажрибасини ўрганиб қайтган, ёш куч оқими келиб қўшилди. Улар маданийлаштириш доирасида чекланиб қолмай, аниқ сиёсий вазифалар қўйишни талаб қилдилар. Солиқларни камайтириш, амалдорлар зулмини чеклаш, деҳқонлар ҳаётини енгиллаштириш – шу талаблар жумласидан эди.

Диссертациянинг сўнгги учинчи боби **«Жадидларнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари ва уларнинг миллий истиқлол ғоясини шаклланишидаги роли»** деб номланади. Мазкур бобнинг “Жадидчилик ҳаракатининг ижтимоий муҳитга таъсири” деб номланган биринчи параграфида жадидларнинг жамиятда ижтимоий ҳамкорлик, баркамол авлодни шакллантириш, тил, дин масаласи, оила ва оила муносабатлари, кийиниш, тўй ва маъракалар масаласи, ёшлар тарбияси ҳақидаги ижтимоий-фалсафий ғоялари очиқ берилган.

Жадидчиликни ҳаракат сифатида кузатар эканмиз, бу ҳаракатнинг барча фаолият қирралари ижтимоий-сиёсий мақсадларга бўйсундирилганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу эса уларнинг миллий тараққиётни ва унинг омилларини қандай тушунганлигини билиб олишимизга йўлланма беради. Барча илғор жадидчилар миллий тараққиётнинг асосий омиллари сифатида миллат менталитетини, унинг тили, миллий уйғониш ва ўзликни англаш, миллат ва дин муносабатлари, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқларга эришиш масалалари эканлигини яхши тушунганлар. Жадидлар назарида миллий тараққиётнинг асосини миллат руҳи ва унинг тетиклиги ташкил қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, жадидлар диний-фалсафий қарашлар орқали ақл ва қалб кўзини оча олди. Борлиқдаги барча нарсалар инсон манфаатлари учун хизмат қилишлигини илмий асослаб бердилар. Инсон ҳаракат қилмасдан ҳамма нарсани тақдирга ташлаб қўйиши мутлақо нотўғри

эканлигини, инсон ўз эҳтиёжларини қондириш, бор бўлиш, яшаши учун албатта илм-фанга эҳтиёж сезишини асослаб берди. Ер усти ва ер ости бойликларидан унумли фойдаланиш, ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, ускуналардан фойдаланиш ва уни яратиш учун дунёвий таълим лозимлигини тўғри англай олганлар. Жадидлар Туркистон ёшлари замондан хабардор бўлиш, фан-техника ютуқларини ўрганиши учун тил билиши, дангасалик, лоқайдлик, ялқовлик, бефарқлик, мутаассиблик каби иллатлардан қутилиши, бунинг учун ислом динининг моҳиятини тўғри англай билишлари кераклигига катта эътибор қаратдилар.

Бу илмий асосли қарашлар ислом қонунчилиги меъёрлари билан ҳисоблашни хоҳламайдиган, ислом моҳиятини ўз манфаатларига мослаб олган консерватив уламоларни қаттиқ танқид остига олади. Бу йўл орқали исломни ақидапарастликдан ҳимоялаш асосида модернизациялаш ва динга оқилона ёндашиш, тараққиётга асос бўладиган замонавий илғор фан ва технологияларни мукамал эгаллаш, жамият ривожини ва тараққиётга асос бўлган акциядорлик жамиятларини тузиш, инвестиция киритиш, хусусий мулк дахлсизлигига эришиш, банк ва молиявий капитал сармоясини эркин йўлга қўйиш, кучли демократик миллий давлатчилик барпо этиш мафкураси тузишдек ҳаётий ҳақиқатни амалга оширишни белгилаб берди. Динни маънавий ва иқтисодий тараққиётга мослаган ҳолда унинг айрим эскирган қоидаларини ўзгартириш, озодлик, эркинлик, мустақиллик, ўз тақдирига ўзи эгаллиги каби тушунчаларни кенг халқ оммаси онги ва қалбига сингдириш ва шу тарзда мустамлакачиларни Туркистон тасарруфидан сиқиб чиқаришга эришиш эди.

Жадидлар ёшларга мурожаат қилиб, миллатнинг тараққиёти учун курашишга чақиради ва уларни миллат тараққиётининг пойдеворлари, деб тушунади. Улар шу масалада ёшларга мурожаат қилар экан Туркистоннинг тараққиёти ва равнақи замонавий таълим-тарбия берадиган мактаб ва олий даргоҳларда таҳсил олиш, ислохотларни амалга ошириш ғайратли ёшларнинг ҳаракати маърифатпарварлиги, шижоати соясида вужудга келади дейди. Шунинг учун ҳар бир миллий ўзимизда мавжуд бўлган мушкул ишларда ёлғиз ёшларимизни илм салоҳиятидан умидвормиз ва улардан ёрдам сўраймиз деб ёзадилар. Жадид мактаби, илмнинг бешигидир. Бу бешикдан кейин албатта, махсус ўрта ва олий ўқув юртларининг бўлиши ва ёшлар таҳсилни шу тарзда, занжирсимон давом эттиришлари зарур.

Жадидлар ҳаракатининг яна бир муҳим жиҳати, улар ўз она тилларининг мақомини рус тили билан бир мақомга эга бўлишлари ва давлат тили сифатида муносабатда бўлиш кераклиги масаласини кўтариб чиққан эдилар. Бу айниқса, 1918 йилнинг апрель ойида Туркистон Советларининг V қурултойида ўлкага совет автономияси мақоми берилиши билан бирга маҳаллий халқ тилини рус тили билан бир қаторда давлат тили сифатида эътироф этиш масаласи қурултой қарорида махсус қайд этилди.

Диннинг ижтимоий моҳияти ва вазифалари ҳақида фикр юритар экан жадидлар нафақат ислом динининг балки бутун инсоният динларининг буюклигини чуқур англаганлигидан дарак беради. “Динсиз дунёда яшамок,

деб ёзади Беҳбудий, инсоният ва маданиятдан эмас. Динсиз мутамаддун бўлмоқ муҳолдур”¹. Беҳбудий назарида дин инсон руҳияти билан боғлиқ бўлиб унинг эътиқодидир. Эътиқодсиз одам бўлмайди. Турли диндагилар ҳам бир-биридан эътиқодлари билан фарқ қилади.

Жадидлар диний бағрикенгликни тарғиб қила олган ва унга амал қилган. Айниқса у бир миллатнинг иккинчи бир миллат томонидан камситилишини ва миллатлараро никоҳга қарши бўлганларга кенг тарғибот ишларини олиб борган ва “ҳар бир мусулмон китобий халқлар билан турмуш қуришга мухтордир”, деб таъкидлаган².

